

Тошкент Молия Институтининг Магистратура булимиди
БИ – 1 гуруҳ магистранти Абдувалиев Дилмурод Абдумаликовичнинг
«Замонавий банк хизматлари ва улардан Ўзбекистон тижорат банклари
амалиётида фойдаланиш масалалари» номли диссертация ишига

АННОТАЦИЯ

Мавзунинг долзарблиги. Банк-молиявий хизмат кўрсатиш соҳасида рақобатнинг доимий ўсиб бориши ва аҳолига турли хил хизмат кўрсатишга ихтисослашган хорижий шўъба банклари сони ўсишининг агрессив суръатлари ҳамда юқоридаги омилларнинг таъсири натижасида мижозларга хизмат кўрсатишдан келадиган комиссия ва фойза даромадларининг тушиб кетиши жаҳон тижорат банкларини мижозларга хизмат кўрсатиш хизмати ва кўламини оширишнинг янги, янада истиқболлироқ ва тежамкорроқ йўллари топишга мажбур қилмоқда.

Филиалларнинг ҳудудий тарқалиб бориши доимий давом этиши мумкин эмас ҳамда ахборот технологияларининг жадал ривожланиб бориши даврида банклар мижозларга яқинлашиш истагини кўп ҳолларда кенг тармоқли қўшимча офисларни қуриш ҳисобига эмас, балки фан ва техника тараққиётининг долзарб ютуқлари асосида ташкил қилинган мижозларга масофавий банк хизматларини (МБХ) тақдим этиш ҳисобига амалга оширишга ҳаракат қилмоқдалар.

Тармоқларнинг кенгайтирилиши, филиал ва мини-банклар очилиши ҳисобига тижорат банклари орасида рақобатчилик муҳитини таъминлаш учун барча шароитлар яратилмоқда.

Банк ташкилотларини хўжалик юритувчи субъектларнинг тўлиқ техник ва технологик таъмирланиши ва модернизациялаш лойиҳаларини амалга оширишга татбиқ этиш алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда.

Республика банк соҳаси кейинги ривожланиш поғонасига ўтиши ва жаҳон сифати ривожланиш даражасининг янада юқорироқ босқичига чиқиши учун банк хизмат кўрсатиш технологияларининг янги турларини такомиллаштириш ва мижозларни жалб қилишнинг янги йўллари топиш зарур.

Аҳоли ўртасида Интернет ва мобил коммуникацион воситаларнинг тарқалиши, вилоятларда тармоқ инфраструктурасининг ривожланиши, қонунчилик базасининг такомиллаштирилиши, молиявий саводхонлик ва даромаднинг ошиши – буларнинг барчаси, бир томондан, банкларга ишончнинг ошиши ва чакана банк хизматларига талабнинг кўтарилишига олиб келса, иккинчи томондан, мижозларининг талабларини максимал даражада қондиришга ҳаракат қилаётган кредит ташкилотларига ўзларида масофавий хизматларни ишлаб чиқиш ва кўламини оширишга имкон яратади.

Узоқлаштирилган каналлар орқали операцияларни олиб бориш икки томонга ҳам фойдалидир: ҳам аҳолига, ҳам банкка. Биринчилар исталган вақт исталган жойдан турли хил воситалар ёрдамида (Интернетга уланган компьютер, мобил ёки стационар телефон, банкомат ва ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш киосклари ва бошқалар) кенг кўламли операцияларни бажариш имкониятини қўлга киритади. Кредит ташкилотлари эса анънавий хизмат кўрсатиш, кўп мижозларни жалб қилиш вақтида юзага келувчи харажатларнинг қисқартирилиши, ва шу тариқа рақобатбардошлигининг ошиши ҳисобига ютадилар. Юқорида таъкидлаб ўтилганларнинг барчаси тадқиқот қилинаётган мавзунинг долзарблигини ҳамда мақсадини белгилайди.

Диссертация ишининг тадқиқот мақсади ва вазифалари жаҳон амалиётида қўлланилаётган замонавий банк хизматларининг хусусиятлари ва ривожланиш истиқболларини аниқлаш,

Ўзбекистон Республикаси шароитларида ушбу хизматларни ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишмавзунинг асосий мақсадини белгилайди.

Диссертация иши олдида қўйилган мақсадга эришиш учун ушбу ишда қуйидаги **вазифалар**ни ҳал этиш назарда тутилган:

Банк хизматларининг замонавий тушунча ва моҳиятини тадқиқ қилиш;

Тадқиқот предмети. Магистрлик диссертация ишининг тадқиқот предмети бўлиб банкларнинг турли хил замонавий банк хизматлари, жумладан масофавий банк хизматлари (МБХ) бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот объекти. Магистрлик диссертация ишининг тадқиқот объекти сифатида мижозларга янги банк хизматларини таклиф этаётган халқаро ва маҳаллий банклар қатнашадилар.